



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 20 июнь, № 125 (9296)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Тошкент инвестиция форуми руҳи барчангизни мамлакатимизга доим чорлаб туришига, умумий муваффақият рамзига айланишига ишонаман. Юртимизнинг гўзал табиати, бетакрор маданияти ва олийжаноб халқимизнинг меҳмондўст қалби эса дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун ўзига хос инвестиция бўлишига аминман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

43,2 МИЛЛАРДА ДОЛЛАРЛИК ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КЕЛИШУВ

Янги Ўзбекистондаги ислохотларга юксак ишончнинг амалий тасдиғи

Бугун Ўзбекистон том маънода жаҳон капитали марказига айланди. Сабаби оддий: глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар сақланиб турган, савдо зиддиятлари авж олаётган ҳозирги мураккаб шароитда мамлакатимизда инвестиция муҳити тубдан яхшиланмоқда. Чет эллик сармоядор ва тадбиркорлар эмин-эркин бизнес юритиши учун улар ҳуқуқларини ишончи ҳимоя қилишининг халқаро тамойилларга тўла жавоб берадиган замонавий тизим яратилди. Энг асосийси, жозибador солиқ ва бож имтиёзлари тақдим этилмоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда асос солинган Тошкент халқаро молия маркази иштирокчиларига берилаётган енгилликлар ҳақида тўхталиш жоиз. Негаки, бу ерда инвесторлар ҳуқуқлари кучли институтлар, халқаро механизмлар орқали таъминланиши баробарида фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи ва божхона божлари “ноль” фоиз этиб белгиланади. Капиталнинг эркин ҳаракати, исталган валютада ҳисоб-китоб қилиш имконияти сўзсиз кафолатланади. Молиявий технологиялар, рақамли активлар, “яшил” молия учун замонавий тизим яратилади.

Мамлакат инвестиция сиёсатидаги бундай эврилишлар Янги Ўзбекистоннинг сармоявий жозибadorлигини кескин оширди. Бунинг жорий йилнинг 16 – 18 июнь кунлари бўлиб ўтган V Тошкент халқаро инвестиция форумида рекорд натижалар қайд этилгани ҳам тасдиқлайди.



Акс садо

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

V Тошкент халқаро инвестиция форуми Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи, инвестициявий жозибadorлиги ва стратегик тараққиёт мақсадларини намойён этган йирик сиёсий-иқтисодий платформа бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг форумдаги нутқи мамлакат иқтисодиётининг бугунги натижалари ва эртанги тараққиёт йўналишларини белгилаб берувчи муҳим дастур сифатида аҳамият касб этади. Унда тилга олинган рақамлар ва ташаббуслар Ватанимизнинг жаҳон иқтисодий макониди тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганини яққол кўрсатади.

Янги sanoat зоналари, инфратузилма объектилари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари иқтисодий ўсишнинг ижтимоий самарасини таъминламоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоиз ўсиши, иқтисодиёт ҳажмининг 147 млрд. АҚШ долларига етиши, ташқи савдо айланмасининг 81 млрд. доллардан ошиши амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини кўрсатади. Сўнгги йилларда мамлакатимизга 150 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилингани, унинг асосий қисми кейинги беш йил ҳиссасига тўғри келаётгани, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг жадал ўсиши, халқаро рейтингларда Ўзбекистон маквеининг яхшиланиши амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигининг амалий ифодасидир.

Форумнинг юксак аҳамияти шундаки, унда иқтисодий мақсадларга хизмат қиладиган

ҳуқуқий, институционал ва бошқарув механизмлари ҳам аниқ белгилаб берилди. Бу эса парламент олдида ҳам улкан ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Аввало, инвесторлар ҳуқуқларини халқаро стандартлар асосида ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ва ҳуқуқий асослари Конституциявий қонун билан мустаҳкамланиши белгиланмоқда. Парламент олдида эса мазкур марказнинг мақоми, ваколатлари, мустақил молиявий регулятор фаолияти, махсус суд тизими ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб берувчи мустаҳкам ҳуқуқий базани яратиш вазифаси турибди.

Давлатимиз раҳбарининг капитал бозорини ривожлантириш бўйича билдирган ташаббуслари парламент фаолияти билан бевоcита боғлиқ. Хусусан, “Капитал бозори тўғрисида”ги ва “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш вазифаси белгиланди. Ушбу ҳужжатлар фонд бозори инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий инвестициялар ҳажмини ошириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва иқтисодиётга қўшимча молиявий ресурслар жалб этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



КАПИТАЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ МИЛЛЙ ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аёнки, бугунги таҳликали замонда капитал оқимлари ўзи учун янги, хавфсиз ва жадал ўсиб бораётган иқтисодий тинч ўлкаларни изламоқда. Шундай паллада Тошкент дунё бизнес элитасининг диққат марказига айланди. V Тошкент халқаро инвестиция форумида жаҳоннинг юздан ортиқ давлатларидан келган 4 мингта яқин делегатлар қаршисида нутқ сўзлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев нафақат Ўзбекистоннинг иқтисодий зафарларини сарҳисоб қилди, балки бутун Марказий Осиёнинг яқин истиқболдаги янги иқтисодий меъморчилигини белгилаб берди.

Бу нутқ шунчаки расмий баёнот эмас, балки катта ўзгаришлар остонасида турган давлатнинг глобал ҳамжамиятга йўллаган стратегик манифестиридир.

Кўпчиликнинг ёдида, 2022 йили ўтказилган илк форумда Ўзбекистон ўз олдида жуда катта ва ҳатто айрим экспертлар назаридан ҳаддан ташқари амбицияли мақсадни қўйган эди: 2026 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 млрд. долларга етказиш. Бироқ Янги Ўзбекистоннинг шиддатли ҳар қандай прогнозларни ортда қолдира олишини исботлади. Мамлакат иқтисодиёти жорий йил якуни билан 180 млрд. доллардан ортиши кутилмоқда. Бу — қўзланган маррадан деярли икки баробар кўп.

Албатта, бу маррага эришишда хорижий сармояларнинг ўрни бекиёс. Сўнгги йилларда юртимизга 150 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлса, шундан 123 млрд. долларининг айнан охириги беш йилга тўғри келиши Янги Ўзбекистонга бўлган ишончнинг амалий ифодасидир. Иқтисодиётнинг ўтган йилги 7,7 фоизлик ўсиши, халқаро резервларнинг 70 млрд. доллардан ошгани ва мамлакатимизнинг “Иқтисодий эркинлик индекси”да

бирданига 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан олқи олгани тасодиф эмас. Бу йиллар давомида тунини кунга улаб қилинган тизимли меҳнатнинг мевасидир.

Давлатимиз раҳбари анжуманда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, Ўзбекистон барча инвесторлар учун очик ва тенг ҳуқуқли шериклик тамойилига қатъий содиқ. Давлат инвесторларни жалб қилишда шаффофлик, кафолатланган ҳуқуқий режа ва барқарор сиёсатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўл, ўз навбатида, хорижий капиталнинг узок муддатли лойиҳаларга киришини рағбатлантиради.

Хусусан, хорижий сармоядорлар учун рақамлаштирилган маълумотлар, тайёр лойиҳалар ва жозибador инфратузилма яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар бозорга кириш жараёнларини оsonлаштиради. Мазкур чоралар инвестициявий иқлимни янада яхшилаш, хусусий секторнинг ролини кенгайтириш, технология ва малакали кадрларни жалб этиш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор инвесторлар учун қулай шароитлар яратишмоқда.



Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҲОЯЛАРГА ОЧИҚЛИГИ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТМОҚДА

V Тошкент халқаро инвестиция форуми якунлари бўйича хорижий экспертлар муносабати

Дьях ПУТРИ,
Индонезия савдо вазири ўринбосари:



— Форум доирасида Индонезия ва Ўзбекистон ўртасида эркин савдо тўғрисидаги битим устида иш олиб борилди. Эркин савдо тўғрисидаги битим икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириши ҳамда нафақат аънанавий савдо, балки янги йўналишларда, жумладан, кичик ва ўрта бизнес бўйича шерикликини кенгайтириши кутиляпти. Умуман, бу битим икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида қаралмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг сармоялар учун очиклик сиёсатини бир неча бор таъкидлаган ва бу амалда ўз ифодасини топмоқда. Мамлакат транспорт алоқаларини, рақамли технологияларни, сунъий интеллектни фаол ривожлантиряпти, меҳмонхона сектори ва туризмга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўналишлар барқарор иқтисодий ўсиш ва халқаро шерикликини кенгайтириш учун замин ҳозирлайди.

Индонезия дунёдаги энг йирик архипелаг ва Жануби-Шарқий Осиёнинг энг йирик иқтисодиётларидан бири сифатида Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Ўзбекистон ҳукумати Индонезия билан ҳамкорликка қизиқиш билдираётгани иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Энрико ПИНАЛИ,
Осиё тараққиёт банкининг Марказий ва Ғарбий Осиё бўйича департаменти хусусий секторни ривожлантириш бўйича минтақавий раҳбари:



— Тошкент халқаро инвестиция форуми илк анжуманидан буён изчил ривожланиб бораётди. Очиги, беш йил аввал, яъни форум биринчи бор ўтказилган пайтда халқаро инвесторларнинг Ўзбекистон ҳақидаги ҳардорлик даражаси анча паст эди. Ўтган давр мобайнида мамлакат ислохотларни амалга ошириш ва зиммасига олган мажбуриятларни бажаришда собитқадамликни намойён этди.

Ўзбекистон Президентини ўз нутқида давлатнинг ривожланиш траекториясини яққол белгилаб берди: ислохотларнинг бошланғич босқичидан тортиб бугунги даражагача ва яқин тўрт-беш йил ичида эришилшичи режалаштирилган мақсадларгача. Бу нафақат мамлакат аҳолисида, балки халқаро инвестиция ҳамжамиятида ҳам катта таассурот қолдирди ва муҳим сигнал бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам улкан инвестициявий имкониятлар мавжуд. Бозорга аввалроқ кириб келган сармоядорлар аллақачон муайян афзалликларга эга бўлса-да, хозирги ривожланиш суръати, айниқса, ҳали тўлиқ қамраб олинмаган соҳаларда янги инвесторлар иштирокини кенгайтиришни талаб этмоқда. Улар орасида қайта тикланувчи энергетика, ишлаб чиқариш тармоқлари ва қишлоқ хўжалигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу йўналишларда ҳамкорлик учун юқори салоҳият сақланиб қолмоқда.



Учрашув

КУН ТАРТИБИДА – СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Алексей Ерхов билан учрашди.



Унда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали стратегик муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутадиган парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи, очик мулоқоти ва қатъий сиёсий иродаси асосида стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида изчил ривожланиб бораётгани эътироф этилди.

Элчи кейинги йилларда Ўзбекистон ва Россия парламентлари ўртасидаги алоқалар янги мазмун билан бойиб, ўзаро ташрифлар, қўшма тадбирлар ва доимий мулоқотлар амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини қайд этди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, атом энергетикаси, маданий-

гуманитар, таълим ва парламентлараро ҳамкорлик соҳаларида амалга оширилаётган қўшма ташаббуслар ва лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиққани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ҳудудлараро шериклик доирасида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар иқтисодий фаолликни ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сўхбат якунида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, парламентлараро ва ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш саъй-ҳаракатларини изчил давом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БЕРИШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитасида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.



Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий ва институционал асослари такомиллаштирилиб, корруп-

циянинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўриляпти. Жумладан, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун билан манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Вазирлик ахборотида кўра, мактабгача ва мактаб таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш ва ички назорат бўлимида жами 58 та штат бирлигида коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида ва-

зирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмалари томонидан жами 164 та мониторинг ва назорат тадбири ўтказилган.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда фуқаролар эътирозига сабаб бўлган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бўйича ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 24 та ҳолатда коррупциявий омиллар бартараф этилган, 15 та ҳолатда эса ҳуқуқбузарлик фактлари тасдиқланмаган.

Ахборотда келтирилишича, жорий йилнинг январь — май ойларида 166 та хизмат текшируви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг хатлари асосида 61 та ўрганиш ўтказилган.



Форум

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
МЕРОСИ ВА МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ

Қирғиз Республикасининг Чўлпонота шахрида атоқли адб ва давлат арбоби Чингиз Айтматов та-шаббуси билан 40 йил аввал асос солинган Халқаро Иссиқкўл форумининг юбилей тадбири бўлиб ўтди.

“Дунё цивилизациявий бурилиш даврида: келажак сари биргаликда” мавзуйда ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев иштирок этди.

Шунингдек, тадбирда Россия, Қозоғистон, Хитой, Буюк Британия, Япония, Италия, Испания ва бошқа давлатлар делегациялари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Содиқ Сафоев форумнинг панель сессиясида сўзга чиқиб, бугунги дунё чўқур геосийёсий ўзгаришлар ва маънавий синовлар даврини бошдан кечираётганини таъкидлади. Чингиз Айтматовнинг инсонпарварлик, тарихий хотира ва маданиятлараро мулоқот ҳақидаги гоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани қайд этилди.

Марказий Осиёда кейинги йилларда шаклланган ўзаро ишонч муҳити, минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичи ҳамда парламентлараро алоқаларнинг мустақамланаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли минтақамиз ҳамкорлик ва умумий тараққиёт маконига айланиб бормоқда.

Айни чоғда Марказий Осиё халқларини муштарак та-рих, маданият ва қадриятлар бирлаштириб туриши, минтақавий ўзликини мустақамлаш эса бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири экани қайд этилди.

Сенаторлар — ҳудудларда

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИ
ФАОЛИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзигул Қозиқонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида маданият ва спорт ташкилотлари фаолияти ҳамда соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Ўрганишлар, асосан, “оғир” тоифадаги маҳаллалар жойлашган туман ва шаҳарларда олиб борилди.

Таҳлилларга кўра, вилоят маданият соҳаси тизимида 35 та маданият маркази, 15 та болалар мусика ва санъат мактаби, вилоят кўзи охишлар махсус кутубхо-наси ҳамда унинг 5 та филиали фаолият юритмоқда. Шунингдек, Маданият бош-қармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, вилоят мусикали драма театри, Ўзбекис-тон давлат филармонияси, “Ўзбеккон-церт” давлат муассасаси ва Мақом санъ-ати маркази бўлимлари аҳолига мада-ний хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, жами 21 та спорт таш-килоти мавжуд бўлиб, улар таркибига вилоят спорт бошқармаси, Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш

МАСЪУЛИЯТ ВА
ИНТИЛУВЧАНЛИК —
ДАВР ТАҚОЗОСИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда жамият ҳаётида фаол бўлишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирокида “Сенатор ва ёшлар” урашувлари ўтказилмоқда. Бу каби мулоқотлар уларда ватанпарварлик ва кучли фуқаролик позициясини мустақамлаб, дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова халқ депутатла-ри Хоразм вилояти Кенгаши ҳузурида-ги “Ёшлар маслаҳати” гуруҳи аъзола-ри ҳамда фаол йигит-қизлар билан уч-рашди.

Мулоқотда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шу-нингдек, таълим олиши, муносиб меҳ-нат қилиши ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун яратилаётган шарт-ша-роитлар ҳақида сўз юритилди.

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни мамлакатимизда-ги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш дав-лат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири экани қайд этилди.

Учрашувда ёшларга яратилаётган имкониятлар, хусусан, уларни касб-

хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, стар-тап ва инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли йигит-қиз-ларни рағбатлантириш борасида амал-га оширилаётган ишлар ҳақида батаф-сил маълумот берилди.

Навбатдаги урашув Наманган дав-лат педагогика институтида уюштирил-ди. Унда Сенатнинг Аграр, сув ҳўжали-ги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси Икромхон Нажмиддинов ишти-рок этди.

Мулоқот чоғида сенатор ўзининг меҳ-нат фаолияти ва ҳаётий тажрибаси бил-ан ўртоқлашиб, мамлакатимизда амал-га оширилаётган ислохотларда ёшлар-нинг фаол иштироки, уларнинг интел-лектуал салоҳияти ва фуқаролик масъ-улиятини юксалтириш масалалари бо-ласида атрофлича фикр юритди.

Учрашувда ёшлар ҳам фаоллик кўрсатди, ўзларини қизиқтирган савол-ларга батафсил жавоб олишди.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
МАЗМУН-МОҲИЯТИ
ТУШУНТИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Орал Атаниязова Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ташкил этилган махсус ўқув курсида амалга оширилаётган ислохотлар ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари юзасидан маъруза қилди.

Тадбир

Сенатор ўз чиқишида юртимизда тиб-биёт соҳасини модернизация қилиш, аҳолини қулай ва сифатли тиббий хиз-матлар билан таъминлаш борасида амал-га оширилаётган ислохотлар ҳақида ат-рофлича тўхталди.

Мазкур ўқув курси Президентимиз то-монидан халқ мурожаатлари билан иш-

лаш тизимини такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалаларига бағишланган видеоселек-тор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси до-ирасида бирламчи тиббий-санитария

Семинар

ҲУДУДИЙ
МУАММОЛАРНИНГ
ҚОНУНЧИЛИККА
АСОСЛАНГАН
ЕЧИМЛАРИ

Нукус шахрида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сиёсий билим даражасини ва малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Сенат аъзолари, маҳал-лий Кенгаш депутатлари, эксперт-лар ҳамда давлат ва жамоат таш-килотлари вакиллари қатнашди.

Ўқув-семинарда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масала-лари ва коррупцияга қарши ку-рашиш кўмитаси аъзоси Зумрад Бекатова парламент ва маҳаллий вакиллик органлари ҳамкорлиги-ни кучайтириш, шунингдек, ҳуд-удий муаммоларни қонунчилик асосида ҳал этиш механизмла-ри ҳақида сўз юритди.

Сенатор ўз чиқишида мамла-катимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёни-да парламент ва маҳаллий ва-киллик органлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустақамлаш му-ҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Хусусан, ҳудудлар-да аҳолини қийнаётган муаммо-ларни ўз вақтида аниқлаш ва

уларни қонунчилик ташаббусла-ри орқали ҳал қилишда маҳал-лий Кенгашларнинг роли тобора ортиб бораётганини қайд этди.

Семинарда маҳаллий Кенгаш-ларни қонун ижодкорлиги жара-ёнига жалб қилиш, парламент ва депутатлик назорати механизм-ларини уйғунлаштириш, ҳудудий муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни қонунчилик даражасида ҳал этишнинг замонавий меха-низмларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгаш-лар фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳудудий муаммолар бўйича электрон мониторинг ва таҳлил тизимини жорий этиш, Сенат кўмиталари ҳамда маҳал-лий Кенгашларнинг доимий ко-миссиялари ўртасида ҳамкорлик платформасини шакллантириш бўйича таклифлар билдирилди.

Сенат ва ёшлар

КУРСАНТЛАР БИЛАН
САМИЙ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенатининг Мудо-фаа ва хавфсизлик масалалари кўми-тасида ҳафтанинг ҳар пайшанба кuni ўтказиладиган “Ёшлар кuni” тадбири доирасида Божхона институти про-фессор-ўқитувчилари ва курсантлари билан учрашув ташкил этилди.

Унда ёшларга оид давлат сиёсати, навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, миллий хавфсиз-лик тизимини такомиллаштириш бораси-даги ишлар хусусида атрофлича маъ-лумот берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, хорижий тилларни ўрганиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ва инновацион гояларини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилган.

Ўз навбатида, Сенатнинг конституция-вий ваколатлари, қонунчилик жараёнида-ги ўрни, парламент назорати ҳамда Мудо-фаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида тушунчалар берилди. Шунингдек, миллий хавфсизлиқни таъминлаш, чегара-лар дахлсизлигини мустақамлаш, божхо-на тизимини такомиллаштириш ва ҳуқуқбу-зарлиқлар профилактикаси йўналишида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

Очик мулоқот шаклида ўтган тадбирда курсантлар билдирган фикр-мулоҳазалар, таклифлар ва саволларга атрофлича жа-воб берилди. Ёшларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиши, уларнинг таклифла-ри қонунчилик ва амалий фаолиятда ино-батга олинishi қайд этилди.

Шунингдек, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Баҳром Абдуллаев Ички иш-лар вазирлиги Малака ошириш институ-тида ёш ходимлар ҳамда тингловчилар бил-ан очик мулоқот ўтказди.

Мулоқотда ёшлар учун яратилаётган им-кониятлар, уларнинг интеллектуал ва кас-бий салоҳиятини рўёбга чиқариш, сифат-ли таълим олиши, илмий изланишлари, хо-рижий тилларни ўрганиши ва замонавий билимларни эгаллаши учун яратилган ша-роитлар ҳақида сўз борди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар-да хизмат олиб бораётган ёш кадрлар-нинг масъулияти, интизоми, касбга са-доқат ва ватанпарварлик фазилатларини мустақамлашнинг аҳамиятига алоҳида ургу берилди.

Учрашувда ёшлар томонидан илгари су-рилган таклифларни амалиётга татбиқ қилиш ва уларнинг касбий ҳамда шахсий ривожланишини қўллаб-қувватлаш бораси-даги ишлар изчил давом эттирилиши таъ-кидланди.

ёрдамини ривожлантириш, давлат тиббий сўғуртаси тизимини босқичма-босқич жо-рий этиш, тиббиёт муассасалари фаоли-ятини рақамлаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш бўйича амалга оширилаёт-ган ишларга эътибор қаратилди.

Тингловчиларга соғлиқни сақлаш со-ҳасида қабул қилинган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ту-шунтирилди, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда тиббиёт ходимларининг масъу-лияти ва соҳадаги долзарб вазифалар ху-сусида фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ТАКЛИФЛАР БЕРИШДИ

Вазирлик марказий аппа-рати, унинг ҳудудий бош-қармалари ва тизим ташкилотлари-нинг 330 242 нафар ходими томони-дан 2026 йил учун манфаатлар тўқна-шуви тўғрисидаги декларацияларни тўлдириш таъминланган. Аниқланган 387 та эҳтимолий манфаатлар тўқна-шуви ҳолатидан 380 тасини барта-раф этиш чоралари кўрилган.

Шу билан бирга, жорий йилнинг январь — май ойларида ходимлар-

ни коррупцияга қарши курашишга оид ўқитиш ва тарғибот ишлари бо-расида 545 та профилактик, 684 та тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Ҳисобот даврида Ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш виртуал академия плат-формасида ҳудудий бошқармалар-дан 474, тизим ташкилотларидан 128, жами 602 нафар раҳбар ва хо-дим махсус ўқув курсларида мала-ка ошириб, сертификатларга эга бўлди. Бошқа ўқув курслари-

да эса 248 нафар ходим ўқитилди. Муҳокама давомида депутатлар мактабча ва мактаб таълими йўна-лишида коррупциянинг олдини олиш борасида белгилаб олинган чора-тадбирларнинг ижросини тўлиқ таъ-минлаш, соҳага оид қонунчилик ҳўж-жатларига таклифлар ишлаб чиқиш бўйича тегишли тавсиялар берди.

Йиғилишда кун тартибидаги ма-сала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ: СОҲАДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитасида Фуқаро авиацияси агентлигининг “Ўзбекистонда фуқаро авиациясини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамла-катимизда авиация бозо-рини либераллаштириш, парвозлар географиясини кенгайтириш, соҳага за-монавий бошқарув усул-ларини жорий этиш ва йўловчиларга кўрсати-лаётган хизматларни за-мон талаблари даражаси-га кўтариш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасига мунтазам парвозларни амалга оши-

риши учун 2025 йилда 7 та хорижий авиакомпа-нияга рухсатномалар расмийлаштирилган. Шу-нингдек, хорижий авиа-компанияларнинг ариза-ларига мубофиқ 320 та янги ҳаво кемаси ва 11 та янги йўналиш киритилган.

Ахборотда келтирилган-нидек, агентлик томони-дан соҳада кўрсатилаёт-ган хизматлар доимий на-зорат қилиниб, аниқлан-ган камчиликлар юзаси-дан тегишли чоралар кўрилмоқда. Жумладан,

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
РАВНАҚИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси томонидан 30 июнь — Ёшлар кuni муносабати билан “Фуқаролик жамияти институтлари ва ёшлар ҳамкорлиги: бугунги амалиёт ва келгусидаги режалар” мавзуйда конференция ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йил-ларда мамлакатимизда Президенти-миз раҳбарлигида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни касб-хунарга ўқитиш, ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелдаги тегишли фармони бил-ан тасдиқланган “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёб-га чиқариш ва мамлакат тараққиё-тида фаол иштирокини таъминлаш-га хизмат қилмоқда.

Шу йўналишга тааллуқли 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари асосида эса ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратил-ди. Айниқса, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун навқи-рон авлодни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қонунчилик палатаси ҳузури-

да ташкил этилган Ёшлар парламен-ти эртамиз эгаларининг манфаат-ларини ҳимоя қилиш, уларни қонун-чилик жараёнига жалб этишда му-ҳим платформа вазифасини ўтамоқ-да. Шу билан бирга, бугунги кунда куйи палатада ёшлар масалаларига масъул кўмита, шунингдек, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Конференция давомида фуқаро-лик жамияти институтлари ва навқи-рон авлод вакиллари ўртасидаги ҳамкорликнинг амалдаги ҳолатига баҳо берилди. Шунингдек, уларни ижтимоий фаолликка кенг жалб этиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш ҳамда соҳадаги келгуси муҳим вазифалар атрофлича муҳо-кама қилинди.

Ёшлар сиёсатида оид ислохотлар фақат назарий жиҳатдан эмас, бал-ки амалий натижалар нуқтаи назар-идан ҳам таҳлил қилиниб, йигит-қизларнинг таклифларини эшитиш, уларни қонун ижодкорлиги фаоли-ятига кенг йўналтириш ва таклифла-рини қонунларда акс эттириш бо-расидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Мазкур тадбир келажак етак-чилари, сиёсий жараёнларга бефарқ

КИТОБХОНЛАРГА МУНОСИБ
ТУҲФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси, ЎзАДП фракцияси аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Шарофиддин Назаровнинг “Эврилиш нуқталари: тарих ва келажак” номли китобининг тақдимоти бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Депутатлар, Ўзбекис-тон Фанлар академияси мутасаддилари ва иқти-содчи олимлар, Ёшлар парламенти аъзолари, ил-мий жамоатчилик вакил-лари ҳамда ОАВ ходимла-ри қатнашган тақдиротда ушбу асар шунчаки йўтимш воқеаларининг хроникаси ёки иқтисодий рақамлар тўплами эмас, балки юр-тимиз босиб ўтган зидди-ятли ва мураккаб йўлнинг холис, танқидий ва илмий ниғоҳ билан қилинган таҳ-лили маҳсули дея эъти-роф этилди.

Тадбирда сўз олганлар китобнинг “Эврилиш нуқ-таси” жамият ёки давлат ривожланишидаги муҳим бурилиш палласи экани,

муаллиф Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ тарихини давр кўзгуси орқали таҳ-лил қилган хусусида фикр-мулоҳазалар бил-дирди.

Ушбу рисола орқали муаллиф дастлаб миллий давлатчилигимиз тарихи-даги иккита бутунлай фарқли даврни қиёслаш соҳа олимлари томонидан алоҳида қайд этилди. Ху-сусан, очиклик, илм-фан ва халқаро иқтисодий ин-теграцияга таянган, мин-тақани дунёнинг маркази-га айлантирган темирйол-лар Ренессанси ҳамда дунёдаги глобал техноло-гик трендларни ва саноат инқилобини пайкамай қол-ган, ички низолар ва му-

таассиблик ботқоғига бот-ган, натижада геосийёсий изоляция ва мустамакла-чиликка юз тутган темир-рийлардан кейинги давр. Китобда ушбу икки давр шунчаки тарих сифатида эсланмайди, балки улар бугунги кунимиз учун те-ран бир кўзгу сифатида мулоҳаза қилинади.

Ижтимоий озодлик ор-тидан иқтисодий озодлик, яъни кичик бизнес, ху-сусий мулк ва мулк дахл-сизлиги давлатнинг бош устунига айлангани “Тад-биркорлик феномени” бо-бида чуқур илмий-иқтисо-дий асослаб берилади.

Рисолодан юртимиз босиб ўтган йўл ҳақида холис ниғоҳ билан қилин-ган таҳлилий мулоҳазалар ўрин олган бўлиб, унда узоқ ва яқин ўтимишимиз-даги таназзул сабаблари ва жамиятнинг йўққа чи-қарилган имкониятлари ҳақида очик фикр юрити-лади. Мустақиллиқнинг

дастлабки йилларида бошлаб юзага келган па-радокслар, иқтисодий сиёсатнинг эъ орқидки нуқталарига оид масала-лар бўйича мушоҳада юритилади.

Рисолода “Истеъмол бозоридаги “ўйинлар”, “Ислохотлар имитацияси”, “Янги бошқарув фалсафа-си” каби муҳим мавзулар-га бағишланган таҳлилий фикр-мулоҳазалар ҳам бе-рилган.

Тақдиротда ушбу ки-тоб ўз тарихини сеувучи, бугунини қадрловчи ва эртанги кунига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз учун мамлакатимиз мус-тақиллигининг 35 йилли-ги арафасида муносиб туҳфа экани қайд этилди. Шунингдек, уни кенг жа-моатчилик вакиллари, ай-ниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъ-кидланди.

«Халқ сўзи».

43,2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КЕЛИШУВ

Янги Ўзбекистондаги ислохотларга юксак ишончнинг амалий тасдиғи

Дарҳақиқат, бу галги форум иштирокчи давлатлар жугрофияси, ташриф буюрувчилар сони бўйича аввалги кўрсаткичларни янгиллади: жаҳоннинг юздан ортиқ давлатларидан 10 мингдан зиёд делегат ва иштирокчилар қатнашди. Шундан 4 мингга яқини хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институллари, йирик компаниялар, инвестиция жамғармалари ва ишбилармон доиралар вакиллари ташкил этди. Шубҳасиз, бу жаҳон бизнес элитасининг Янги Ўзбекистондаги ислохотларга юксак ишончининг яна бир амалий тасдиғидир. Қиёслаш учун келтирамиз, илк бор ўтказилган форумга дунёнинг 56 мамлакатидан 1 мингдан зиёд хорижий меҳмонлар ташриф буюрган эди.

Таниқли экспертлар В Тошкент халқаро инвестиция форумида

мамлакат очқк инвестиция сиёсатининг янги модели тақдим этилгани унинг жуда самарали ва тенг манфаатли келишувларга бой бўлишга хизмат қилганини алоҳида эътироф этмоқда.

Бу Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган кўп қиррали ҳамкорликнинг устувор олти йўналишидир. У ўзида капитал бозорини ривожлантиришдан тортиб, “яшил” энергетика, сунъий интеллект, транспорт-логистика тармоғига иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини қамраб олган. Айниқса, ҳудудлараро инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун берилган экспорт-импорт имтиёзлар чет эллик сармоядорларнинг қизиқишини янада кучайтирди. Мисол учун, Қорақалпоғистонда яратилган сунъий интеллект лойиҳалари ва дата-марказлар учун махсус зона иштирокчилари 2040 йилгача барча

турдаги солиқ ва божлардан озод қилинади, йўл, электр, сув инфратузилмаси давлат ҳисобидан қуриб берилади, 1 киловатт-соат электр энергияси учун 5 цент микродорида имтиёзли тариф белгиланади.

Форумда шу каби ғоят жозиба-ли кўплаб лойиҳалар бўйича ҳамкорлик тақлиф этилди. Пировардидида умумий қиймати 43,2 млрд. долларлик 166 та инвестиция келишувига эришилди. Уларда кимё саноати, геология ва металлургия, енгил саноат, электротехника ва машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, энергетика ва экология, рақамли технологиялар, қурилиш ва инфратузилма, банк-молия, транспорт-логистика, туризм ҳамда таълим каби муҳим йўналишлар қамраб олинди.

Эътиборлиси, ҳар бир ҳужжатни амалга ошириш бўйича алоҳи-



да “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Шу жиҳатдан, V Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон нафақат капитални жалб қилиш, балки бутун минтақада иқтисодий

ўзгаришларга туртки берадиган қудратли кучга айланганини яна бир қарра намоёйш этди.

Санд РАҲМОН («Халқ сўзи»).

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бу жараёнларда парламентнинг вазифаси фақат қонун қабул қилиш эмас, балки унинг ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлашдан ҳам иборат.

Бундан ташқари, “яшил” энергетика, углерод чиқиндиларини камайтириш, энергия самардорлиги, рақамли иқтисодиёт, маълумотлар муҳофазаси, сунъий интеллект технологияларини тартибга солиш ва киберхавфсизлик соҳасидаги ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш вазифалари ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Форумда транспорт ва логистика соҳасидаги стратегик лойиҳаларга ҳам алоҳида урғу қаратилди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли, Трансафғон коридори ва “Ўрта коридор” каби лойиҳалар мамлакатимиз учун янги ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради. Бу эса халқаро транзит, давлат-хусусий шериклик ва инфратузилма соҳасидаги қонунчиликни янада тақомиллаштиришни тақозо этади.

Шунингдек, ҳудудларни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Янги Тошкент мегаполиси, миллионли шаҳарлар, технопарклар, туризм ва агросаноат лойиҳалари мамлакат иқтисодиётининг янги “ўсиш нуқталари”га айлан-

моқда. Энг муҳими, мазкур жараёнлар ортида инсон манфаати муҳассам: янги иш ўринлари, муносиб даромад, сифатли таълим, замонавий тиббиёт, ривожланган инфратузилма ва ҳаёли фаровонлигини таъминлаш инвестиция сиёсатининг бош мақсади бўлиб қолмоқда. Шу маънода, форумда белгиланган вазифалар фақат ҳукумат ёки маҳаллий ижро органлари учун эмас, балки парламент учун ҳам аниқ ҳаракат дастуридир. Қонунчиликни замон талаблари асосида янгиллаш, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли кафолатларини яратиш, қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини кучайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми яна бир ҳақиқатни намоён қилди: Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиши фақат инвестициялар ҳажи билан эмас, балки кучли қонунчилик, самарали давлат бошқаруви, очик иқтисодиёт ва халқ манфаатларига хизмат қилувчи ислохотлар билан таъминланади.

Жанила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ УЧУН ЙИРИК ПЛАТФОРМА

Дарҳақиқат, бу йилги форум ўзининг кўлами ва халқаро қамрови билан алоҳида аҳамият касб этди. Форум доирасида ўтказилган кўплаб бизнес учрашувлари ҳамда мулоқотлар Янги Ўзбекистонга бўлган ишонч ва қизиқишнинг тобора ортиб бораётганини намоён қилмоқда.



Форумда Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар мамлакатимиз инвестициявий тараққиётининг янги босқичини бошлаб бермоқда. Айниқса, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар тизимини кучайтириш бўйича эълон қилинган янги ташаббуслар алоҳида эътиборга лойиқ. Тошкент халқаро молия марказининг ташкил этилиши, халқаро стандартларга мос тижорат судлари фаолияти, инвестициявий медиация институтларининг ривожлантирилиши ва замонавий молиявий инфратузилманинг яратилиши мамлакатимизни минтақанинг йирик инвестиция ва молиявий марказларидан бирига айлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Макроиктисодий барқарорлик инвесторлар учун энг муҳим омиллардан бирдир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро захиралари 70 миллиард доллардан ошган мамлакат молиявий барқарорлигининг муҳим кўрсаткичидир. Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон

Шунингдек, сунъий интеллект, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, “яшил” энергетика ва юқори технологик соҳаларга қаратилаётган инвестициялар Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси ўн йилликлардаги рақобатбардошлигини белгилловчи омиллардан бири бўлади. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, сунъий интеллект ва “яшил” иқтисодиёт технологияларини кенг жорий этиш орқали яқин йилларда иқтисодиётда қўшимча 10 млрд. долларлик қиймат яратиш имконияти мавжуд. Энергетика соҳасида эса янги генерация қувватлари 3 баробарга ошиб, 11 минг мегаваттдан ортиқ кўрсаткичга етди.

Бугун Тошкент нафақат Марказий Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий марказларидан бири, балки глобал инвесторлар, инноваторлар ва ҳамкорлар учрашадиган мулоқот майдонига айланмоқда. Ушбу муҳим жараёнлар ортида шунинг алоҳида таъкидлаш лозим, барча ислохот ва инвестициялар замирида инсон манфаатлари ва халқ фаровонлиги турибди.

Бобур БЕКМУРODOV, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тadbиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси.

КАПИТАЛ ЭВОЛЮЦИЯСИ МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хозирги босқичда Ўзбекистон улкан ислохотлар ва инвестициявий имкониятлар дaвpини бошдан кечирмоқда. Форум платформасида Президентимиз томонидан илгари сурилган олти йўналишлар — инвесторлар учун муносиб шароитлар, капитал бозорини ривожлантириш, “яшил” энергетика ва сунъий интеллект, юқори қўшилган қиймат занжирлари ҳамда минтақавий транспорт-логистика — мамлакатимизни глобал иқтисодиётнинг марказий нуқталари қаторига кўтаришга қаратилган.

Биринчи йўналиш — инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат тизимини янада кучайтириш. Бу йилги форумнинг мутлақ марказий воқеаси шу йилнинг март ойида Президентимиз фармони билан ташкил этилган Тошкент халқаро молия маркази тақдими бўлди. Ушбу марказ халқаро инвесторлар учун таниш ва хавфсиз бўлган Инглиз умумий ҳуқуқи (Common Law) тамойилларига асосланган мутлақо янги институционал ва ҳуқуқий архитектурадир.

Жаҳондаги етакчи молиявий хабарлар (Лондон, Дубай, Сингапур) тажрибаси шунинг кўрсатадигани, йирик капитал эгалари учун давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатларидан кўра ҳуқуқий тизимнинг шaффофлиги ва бaшopaт қилиниши (прогнозга эгалиги) муҳимроқдир. Тошкент халқаро молия маркази айнан мана шу эҳтиёжни қондириш учун яратилмоқда.

Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ташаббуси мамлакатнинг глобал молиявий харитадаги ўрнини мустаҳкамлайди. Марказнинг ҳуқуқий базаси Конституциявий қонун билан мустаҳкамланади, ушбу ҳудудда жозибдор солиқ ва регулятив режим — инвестициявий имтиёзларни 50 йилгача белгилаш имконияти борлиги рағбатни кучайтиради. Англия умумий ҳуқуқи асосланган махсус режим, мустақил тижорат суди ва халқаро экспертизани жалб қилиш инвесторларга халқаро стандартлар даражасида ҳуқуқий ҳимоя-

ни кафолатлайди.

Инвестицион низоларга ечим топиш учун суддан ташқари механизмлар — медиация ва халқаро келишувлар асосидаги тезкор ҳал қилиш воситалари мустаҳкамланмоқда. Ушбу чоралар натижасида инвесторлар Ўзбекистоннинг ўзида кафолатланган халқаро ҳуқуқий ҳимояга эга бўлади.

Давлатнинг раҳбари илгари сурган иккинчи йўналиш — капитал бозорини ривожлантириш, муқобил молия воситаларига кенг йўл очиб.

Бу ҳақда сўз борганда, сўнгги йилларда мамлакатимиз халқаро молия бозорларида фаол эканлигини таъкидлаш жоиз. Жами 16 миллиарддан ортиқ облигациялар мазкур бозорларга муваффақиятли жойлаштирилди ва миллий валютадаги корпоратив еврооблигациялар айланмага киритилди. Муҳим натижа — Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз акциялари Тошкент ва Лондон биржаларида IPO орқали чиқарилгани. Бу — Лондон биржасининг сўнгги беш йил ичидаги энг йирик IPOларидан бири бўлди. Бундан ташқари, қатор йирик компанияларнинг IPOлари учун тайёргарликлар аллақачон бошланди. Лойиҳалар ички бозорни мустаҳкамлаш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш имкониятини янада кучайтириши кутилмоқда.

Капитал бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-органик асосини мустаҳкамлаш мақсадида “Капитал бозори тўғрисида”ги ва “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши режалаштирилган. Бу қонунлар хусусий секторнинг илгор молиявий институтлар, венчур ва хусусий капитал фонди, шунингдек, халқаро клиринг ва молиявий институтлар учун қулай ҳудудни яратди. Инвестиция оқимини диверсификация қилиш учун Ўзбекистон

суверен ислом облигациялари дастурини йўлга қўйди. Бу механизм ислом молиясига асосланган инвесторларга мамлакат бозорига иштирок этиш имконини беради ҳамда камида 10 млрд. долларлик қўшимча капитални жалб қилишга катта туртки бўлиши кутилмоқда.

Учинчи йўналиш — юқори қўшилган қиймат занжирларини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш.

Саноатни юқори технологияли босқичга кўтариш йўлида Ўзбекистон катта дастурларни бошлади. Келаси беш йилда саноатдаги юқори технологияли маҳсулот ҳажмининг 2,5 баробарга кўпайтириш мақсад қилинган. Хусусан, илгор кимё тармоғини ривожлантириш орқали 20 млрд. долларлик инвестиция салоҳияти, ҳудудларда 15 мингдан ортиқ юқори даромадли иш ўринлари яратиш,

техника, енгил саноат, қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика каби драйвер тармоқларда ҳам 30 млрд. долларлик инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга оширишни тақлиф қилди.

Тўртинчи йўналиш — “яшил” энергетика ва сунъий интеллект соҳаларидаги шерикликни янада чуқурлаштириш.

Ўзбекистон “яшил” энергетикага катта устуворлик беримоқда: электр генерациясида янада юқори улуш, 2030 йилгача 54 фоизга эришишни режалаштирган. Бу мақсадга эришиш учун давлат қуёш ва шамол электр станцияларига инвестиция қилишни, энергия қаслаш тизимларини жорий этиш лойиҳалари, тармоқлар ва узатиш инфратузилмасини модернизациялаш, ҳам “яшил” энергияга уланган, ҳам иқлимга мос дата-мар-

Асосий мақсад таълим, соғлиқни сақлаш, давлат хизматлари ва бизнес жараёнларида сунъий интеллект қўлланилишини кенгайтиришдан иборат.

Бешинчи йўналиш — минтақавий транспорт-логистика боглиқлигини ривожлантириш.

Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликнинг марказига айланишни мақсад қилган. Бу борада Хитой ва Қирғизистон билан стратегик темир йўллар қурилиши, Трансафғон коридори орқали жанубий денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш, Каспий орқали “Ўрта коридор”ни кенгайтириш ва Европа — Осиё транспорт магистралларига интеграция, янги теъорав автомобиль йўллари, кўп функцияли логистика марказлари ва “қуруқ порт”лар ташкил этиши, Саудия билан ҳамкорликда Ўзбекистонда йилга 20 млн. йўловчига мўлжалланган янги Тошкент халқаро аэропортини қуриш лойиҳасини амалга ошириш қўзғалган.

Бу лойиҳалар мамлакатни транзит ва логистика марказига айлантириб, маҳсулотлар экспорти ва импортини енгиллаштирида ҳамда минтақавий савдо оқимларини оширади.

Олтинчи йўналиш — ҳудудларни ривожлантиришда инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва демографик кўрсаткичлари юксалаётган бир паллада ҳудудларни комплекс ривожлантириш мамлакат тараққиётининг муҳим драйверига айланмоқда. Мамлакатимиз нуфуси ва иқтисодий ўсиш ҳамда урбанизация босқичларининг тезлашиши шаҳарсозлик, инфратузилма ва ижтимоий хизматларга юксак салоҳиятли инвестиция талаб қилади. Ҳукумат бу реалликни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий тараққиётни янги услубда — инвестициявий ҳамкорлик, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ва стратегик лойиҳалар орқали рўёбга чиқариш йўлини танлади. Бу йўналишда ҳам инвесторлар учун катта майдон ва имконият мавжуд.

Жадал урбанизация ва иқтисодий ўсиш йўллари, аэропортлар, электр тар-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҒОЯЛАРГА ОЧИҚЛИГИ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТМОҚДА



Шайх Мансур бин Халифа АЛ-ТАНИ, Қатарнинг «MBK Holding» инвестиция компанияси асосчиси ва раиси:



— Биз глобал миқёсда экотизимлар барпо этамиз ва турли мамлакатларга сармоя киритамиз. Ўзбекистонда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу боис турли соҳаларга сармоя киритиш, жамғармаларни бошқаришни йўлга қўйиш ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан мамлакатга янада кўпроқ сармоя жалб қилиш ниятидамиз.

Қатар ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ўзига хос ва стратегик аҳамиятга эга. Раҳбариятимиз Ўзбекистон билан стратегик шерикликни йўлга қўйишни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунинг учун биз ҳам шу йўналишда ҳаракат қилишга интилоқдамиз.

Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўрин тутди. Мамлакат ишонч ва қатъият асосида ислохотларни амалга ошириш салоҳиятини намоён этмоқда. Бу эса халқаро инвесторлар учун катта жозибадорликни юзага келтирди.

Инфратузилма, хусусан, энергетика, таълим, соғлиқни сақлаш ва логистика соҳаларида улкан имкониятлар мавжуд. Биз ушбу соҳаларнинг барчасида илгор инфратузилмага эҳтиёж сезаётган кўплаб ноёб истеъдодлар етишиб чиқаётганини кўряпмиз. Дикқат марказимизда айнан шу масалалар турибди.

Каталин НОВАК, Венгриянинг собиқ президенти:



— Форум жуда қизғин кечди, менга ёққан жиҳати, бу ерда бошқаларни тинглашга чинакам қизиқишининг мавжудлиги эди. Бу жуда муҳим, чунки шундагина ҳар бир киши ўзи билан нимандир — янги тақлиф ва ғояларни олиб кетиши мумкин.

Панель муҳокамаларда аёлларни оилавий ҳаёт ва касбий фаолият ўртасида танлов қилишга мажбурламаслик кераклиги ҳақида таъкидладим. Ўйлаيمانки, Ўзбекистондаги кўплаб аёллар оила қуришни ва она бўлишни истайди, бироқ айни пайтда ўш касбий фаолиятида муваффақият қозонишни ҳам хоҳласа, нега бу орзуидан воз кечиши керак? Назаримда, давлат аёлларга ана шу танлов эркинлигини ҳис этадиган муҳит ярато олади.

Ўзбекистон ҳам аёлларнинг улкан салоҳиятга эга эканини англаб етгани эътиборга молиқ. Агар мамлакат меҳнат бозорига аёллар иштирокининг улушига эътибор қаратилса, салоҳият қанчалик катта эканини қўриш мумкин. Аммо бу борада ҳали ишланадиган жиҳатлар ҳам кўп.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги иқтисодий ўсишига назар ташласак, бу борада ҳам салоҳият жуда катта. Бу кишида ёрқин таассурот қолдиради ва хорижий сармоялар учун жуда жозибадордир. Шу боис Ўзбекистонга Европа сармоялари янада кўпроқ кириб келишига ишонаман. Ва бу, аслида, сизнинг ҳам, бизнинг ҳам асосий мақсадимиз.

«Дунё» АА.

ОИЛА — МЕҲР ВА САБР ҚЎРҒОНИ

Нотинч оила ҳақида сўз юритиш (айниқса, у бировнинг ҳаёти бўлса), унга баҳо бериш ва ҳукм чиқариш ниҳоятда мушкул. Аммо суд қарорларини варақлаш асосида на-хотки шулар бир пайтлар топган-тутганига дангиллама

Мушоҳада

тўй қилиб, бахтдан сархуш бир-бирига узук таққан жуфт-ликлар бўлса деб ўйлаб қоласан. Энг ачинарлиси, оила қурганига ҳеч қанча бўлмай узил-кесил ажрашганлар кўп. Орада не можоро, ким ҳақу ким ноҳақлиги бизга қоронғу, фақат бундан норасидалар азият чекаётгани ҳақиқат.



бой фондга эга муассасаси бўлиши-га эришиш даркор.

«Кўздан нари — кўнгилдан нари...»

— Жорий йилнинг тўрт ойида 510 та даъво аризаси қўриб чиқилиб, 249 таси қаноатлантирилди, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Уч-тепа туманлараро суди судьяси Ҳабиба Худойбердиева. — Турмуш ўртоғини қўқритиб қўйиш ёки “хафа қилгани учун жазолаш” мақсадида берилган даъволарнинг 182 таси рад этилди. ФХДЁ ходимларига мурожаат этмаган, суд харажатлари тўланмаган ва ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган 71 та даъво аризаси ҳам қайтарилди. Шундан учтаси тугатилиб, 4 таси фуқаролар яшаётган туман судига юборилди. Узим аёл бўлганим учун никоҳни бекор қилиш ишларини қўриб чиқиш ҳар доим оғир кечади, эр-хотинлар билан узоқ суқбатлашман, кўпроқ ёш, тез қарор чиқарадиган эр-хотинлар ярашишга мойил бўлади. Узоқ йил ашгад, тажрибали эр-хотинлар даъвоини онгли равишда беради, судга мурожаатдан олдин қўлаб имкониятларни синаб кўрганини айтишди. Ҳозир суд жараёнлари ҳам ўзгариб бормоқда, қўлчица далил сифатида эр-хотиннинг ижтимоий тармоқлардаги шахсий ёзишмаларнинг скриншотлари, танишув сайтлардаги анкеталар, ошқора суратлар остидаги “лайк”лар тақдим этилади. Бунда эр ёки хотин ўйли жиҳсонан шеригининг ёнида, лекин виртуал оламда бошқа одам билан гаплашадими, яшайди. Рақамли инкилоб даврида эр-хотиннинг “виртуал макондаги мажбуриятлари”ни кучайтириш, рақамли таъкиддан шахсий ҳаёт дахлсизлигини тежорлик билан ҳимоя қилишни ҳаётинг ўзи тақозо этмоқда.

Узим ҳам онманом, ота-она ажрашганда суд залидан чиққан гўдакларнинг жавдираб қолаётганини кўрсам, юрагим оғрийдим. Суд залига вояга етмаганларнинг киритилиши мумкин эмас, агар бола манфаати билан бевосита боғлиқ ишлар бўлса, унда ҳам психолог иштирокида бўлади. Баъзан боладан қайси бири билан кўпроқ яшашни истасан, онанг биланими ёки отанг билан, сенинг гапинг-гап деб сўралса, икковларини ҳам яхши қўриши, икковлари билан бирга яшашни истаётганини айтди. Ҳар сафар уларга ярашиш учун муҳлат бераётганда, суд биносидан чиқиб бафуржа ўйлаб қўришни тавсия этаман. Харақтеримиз мос келмади, нима бўлса, пешонадан кўрамыз деган қарашлар ҳам бор. Даъволарнинг аксарияти аёллар томонидан берилган. Қўпчица ота-оналар ўртасидаги баҳс бола-нинг тақдирини эмас, унга ажратил-диган алимент миқдори, яшаб турган ўй-жойни саклаб қолиш учун олиб борилади. Бола бу ерда бир восита, мулкйи устунликка эришиш учун “ше-

риги”дан ўч олиш қуроли сифатида фойдаланилади. Мен учун энг оғири, оила барбод бўлган собик эр-хотин ўй-жой, ҳовли-боғ, мебель талашиб, йиллаб судлашади. Оналар томонидан отага болани қўрсатмаслик ёки оталар алимент тўламасдан қочиб юриши, бу яна қайта судлашишга олиб келади.

Ўқоридаги муштарииймизнинг ажрашиш низоларида айбдор эмаслигини, ичмаслигини, оиласига хиёнат қилмаганини ўқиб таажжубга тушдик. Нега у ҳақ бўлса, судда ҳақлигини исботламади? Болаларини яхши кўрса, тарбияси ва келажаги учун қурашмади? Бола буюм эмас-ку, унинг эртага ким бўлиши ота-онасининг бўлгунги муносабатига боғлиқ. Ўн йил хориҳга пул топиш учун кетиб, қайтиб келганда болалар ўз отасини та-нимлаганига ким айбдор? Ўн йил ун-чалик кичкина муддатмас-да! Бунинг устига қаттаси 16 да, иккинчиси 14 да, кичкиниси 12 яшар экан. Қисқаси, анча улғайган, ақлини та-ниган болалар. Ёки қачондир суюкли ётқишдоши бўлган инсон айтгандек, кайфу сафога берилиб кетганмикан? Биз икки томонни оқлашдан ва қоралашдан йироқмиз. Болалар шундо-ғам қалбидagi бу мажруҳлики бутун умр кўтариб яшайди.

— Ҳар сафар боғча, мактаб ҳуж-жатларида, маҳалла фуқаролар йи-ғинидан маълумот олгани борганим-да “ота-онаси ажрашган” ёки “тўлиқ-мас оила” деб ёзилганда ўғлим ўзини камситилгандек хис қилади, — дейди тошкентлик Г. Маҳмадова. — “Ажраш-ган” деган сўз гўё тамаддек: буни эшитган захоти атрофдагиларда дар-ров салбий муносабат пайдо бўлади. Ажрашганимда 19 ёшда эдим, тур-муш ўртоғим билан онлайн ўйин ўйнардик, шу ерда бошқа ўйинчи би-лан танишдим. Бу ёзишмаларни оиламдагилар қўриб қолди. Уларни ҳаммасини тўхтатганимга ишонтйриб, у билан шахсий электрон почта ор-қали мулоқотни давом эттирдим. Аж-раганимдан кейин ўша йигит билан ҳақлиқ ҳаётда қўришсам, у қиз бола бўлиб чиқди. Халигача турмуш ўрто-ғимни интернетдаги танишув хиёнат эмаслигига ишонтйролмайдим. Ўғлим отаси билан қўришиб туради, шунга-ям шўқр қилиб яшаяпман.

Виртуал ҳаёт ортидаги фожиа

Технологиялар ривожы туфайли бугунги ёшлар ахборотини, асосан, интернет ва ижтимоий тармоқлар ор-қали олади, десак, муболага бўлмай-ди. Афсуски, бу ахборот майдони ҳар доим ҳам хавфсиз эмас — унда ёлғон хабар (фейк)лар, ўзравонлик ёки бузғунчилик тарғотиб, ноҳўжа ме-диаконтент кенг тарқалган. Ўзбекис-тонда интернетдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ортмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда мамлакатда ижтимоий тармоқдаги

Адиба УМИРОВА
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi o'tkazilishi to'g'risida aksiyadorlarga qonunchilikda belgilangan tartibda Korporativ axborotning yagona portali — “openinfo.uz”da, bankning va “Toshkent” Respublika fond birjasining rasmiy veb-saytida hamda ommaviy axborot vositalarida e'lon qilinadigan xabar

«MIKROKREDITBANK» AKSIYADORLIK-TIJORAT BANKI AKSIYADORLARI DIQQATIGA!



Hurmattli aksiyadorlar, “Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat banki Kuzatuv kengashi aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi 2026-yil 13-iyul kuni, soat 10:00 dan boshlab, bevosita Toshkent shahri, Amir Temur shohko'chasi, 4-uy manzilida joylashgan “Mikrokreditbank” ATB majlislar zalida va “E-Vote” elektron ovoz berish platformasida (https://evote.uz) masofadan turib ishtirok etish orqali o'tkazilishini ma'lum qiladi.

Yig'ilish kun tartibi:

1. “Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat banki aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi reglamentini tasdiqlash;

2. “Mikrokreditbank” aksiyadorlik-tijorat banki Boshqaruv raisi lavozimiga Avazov Malik Abduxatovichni tayinlash.

“Mikrokreditbank” ATB Kuzatuv kengashi-ning 2026-yil 18-iyundagi majlisi qaroriga asosan, aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishida ishtirok etish huquqiga ega bo'lgan aksiyadorlar reyestri 2026-yil 7-iyul kuni holatiga hamda aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi o'tkazilishi haqida aksiyadorlarga xabar qilish uchun aksiyadorlar reyestri 2026-yil 18-iyun kuni holatiga tuziladi.

Aksiyadorlarni ro'yxatga olish 2026-yil 10-iyul kuni soat 9:00 dan 10:00 gacha davom etadi.

Aksiyadorlar umumiy yig'ilishda shaxsini tasdiqlovchi hujjat va yozma shaklda tuzilgan ishonchnoma asosida qatnashadi, yuridik shaxs nomidan berilgan ishonchnoma qonunchilikda belgilangan tartibda, jismoniy shaxs nomidan berilgan ishonchnoma notarial tasdiqlangan bo'lishi kerak.

Aksiyadorlarning umumiy yig'ilishida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan

foydalangan holda masofadan turib ishtirok etish va ovoz berish “E-Vote” elektron ovoz berish platformasida (https://evote.uz) “Xo'jalik jamiyatlari boshqaruv organlarining yig'ilishlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda masofadan turib ishtirok etish va ovoz berish tartibi to'g'risida”gi Nizom (ro'yxat raqami 3613, 2025-yil 24-mart) va “Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitarisvi tomonidan “E-Vote” elektron ovoz berish xizmatidan foydalanish bo'yicha xizmatlar ko'rsatish Qoidalari”ga muvofiq amalga oshiriladi. Jumladan:

ishtirokchi yig'ilish boshlangunga qadar platformadagi avtorizatsiya va identifikatsiyadan o'tishni ta'minlovchi elektron kanallar orqali ro'yxatdan o'tishi, shu jumladan, platformaga kirish uchun jismoniy va yuridik shaxslarni identifikatsiyalashning yagona tizimida o'ziga oid ma'lumotlarni taqdim etgan holda identifikatsiyadan o'tishi kerak;

masofadan turib yig'ilishda ishtirok etish va

kun tartibidagi masalalar bo'yicha ovoz berishda elektron raqamli imzodan foydalaniladi;

aksiyadorning vakili yuqorida keltirilgan tartibda tasdiqlangan ishonchnomani taqdim etadi.

Platformadan foydalanishni ta'minlovchi texnik xodim: Kuzatuv kengashi kotibiyati bosh kotibi Turdibekov Zafar Shokul o'g'li, telefon: 71-207-46-51 (ichki raqam:1218).

Yig'ilish o'tkazish bo'yicha qo'shimcha axborot va unda ko'riladigan masalalarning materiallari bilan yuqoridagi manzilga va quyidagi telefon raqamlariga murojaat qilish hamda banking korporativ veb-sayti (https://mkbank.uz) va “E-Vote” elektron ovoz berish platformasi (https://evote.uz) orqali tanishish mumkin.

Telefon: 71-207-46-51 (ichki raqam: 1218, 1304)

Bank Kuzatuv kengashi.



ЖАҲОНГА ТИНЧЛИК КЕРАК

Халқаро иқтисодийёт ва тинчлик институти навбатдаги Глобал тинчлик индексини эълон қилди.

Мазкур тадқиқотда дунёдаги 163 та мустақил давлат ва ҳудуд таҳлил қилинди. Экспертлар 2026 йилда дунё мамлакатларидаги осойишталик даражасини баҳолашда учта асосий мезон ва 23 та қўрсаткичга эътибор қаратди. Ва дунёнинг энг тинч мамлақати сифатида Исландия эъти-роф этилди.

Янги ҳисоботда Марказий Осиё минтақаси барқарор ҳудудлардан бири сифатида қўрсатилди. Минтақанинг деярли барча давлатлари рейтингнинг ўрта ва юқори хавф-сиз қисмидан жой олган бўлиб, барқарорлик жиҳатдан МДХга аъзо мамлақатлар орасида энг яхши қўрсаткични қайд этди.

Айтилишича, глобал тинчлик даражаси индекс илк эълон қилинган 2007 йилдан бери энг паст даражага тушган. Ҳозирда дунё давлатларининг 73 фоизи (119 та мамла-кат)да вазият барқарор эмас.

БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНМАЙДИ

Буюк Британияда 16 ёшга тўлмаган болаларни интернетдан ҳимоя қилиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Мамлакат Бош вазири Кир Стармернинг сўзларига кўра, ҳукумат Рождество байрамигача парламентда янги қоидаларни қабул қилишни режалаштирмоқда. Таққ эса 2027 йилнинг бошида кучга киради. Чекловлар нафақат ижтимоий тармоқларга, балки гейминг платформалари ҳамда стриминг (жонли эфир) иловаларига ҳам тегиш-ли бўлади.

— Фарзандларимиз хавфсизлиги ҳамма нарсадан устун туриши керак. Мен болаларимизнинг хавфсиз-лиги ва бахтини хавфга қўя олмаيمان. Шунинг учун ҳам ушбу таққ жорий этилиши шарт, — деди Кир Стармер.

ПАРЛАМЕНТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗАТИШЛАРНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Мазкур конституциявий ўзгаришлар Венгриянинг амалдаги Бош вазири Петер Мадярнинг асосий сайловолди ваъдаларидан бири эди.

Янги қоидага кўра, Бош вазир лавозимида ишлаш муд-дати икки марта тўрт йиллик давр билан чекланади. Му-ҳими, мазкур норма фақат келажақтаги раҳбарларга эмас, балки 1990 йилдан буюн Венгрия Бош вазири бўлиб иш-лаган барча шахсларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади. Бу эса уларнинг яна ҳукумат раҳбари сифатида қайтиш эҳти-молини истисно қилади.

Кузатувчилар фикрга кўра, мазкур қарор Венгрия сиёсий тизимида муҳим бурилиш нуқтаси бўлиб, мамла-катда ҳокимият алмашинуви механизмлари мустаҳкам-лашга қаратилган қадам сифатида баҳоланмоқда.

ГУМАНИТАР ФАНЛАР ЎРНИНИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЭГАЛЛАЙДИ

Хитой Халқ Республикасида олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга кўра, академик дастурлар рўйхати сунъий интеллект билан боғлиқ мутахассисликлар фойдасига оммавий равишда қайта қўриб чиқилмоқда.

“Southern China Morning Post” нашрида ёзишларича, мамлакатда 2021 йилдан 2025 йилгача 12,2 мингга яқин бакалаврият дастурлари ёпилган ёки вақтинчалик тўхта-тилган. Ўқув дастурларидаан, жумладан, хорижий тил-лар, гуманитар фанлар, менежмент ва ижодий касблар билан боғлиқ бўлган қатор йўналишлар чиқариб таш-ланди. Автоматлаштириш ва сунъий интеллект техно-логияларининг фаол жорий этилиши фонида мазкур соҳалар мутахассислар билан тўйинган ва талаб кам бўлган йўналишлар сифатида қаралмоқда. Ёпилган йўналишлар ўрнига сунъий интеллект, робототехника ва маълумотлар таҳлили бўйича 10 200 га яқин янги дастурлар очилди.

Ўзгаришлар мамлакатдаги олий таълим дастурлари-нинг 30 фоиздан ортигини қамраб олди. Сунъий интел-лект технологиялари шиддат билан ўсиб бораётган жум-лада Хитой жамият ҳаётининг барча йўналишлари, жум-ладан, таълимни СИ тараққиётига мослаштиришга урин-моқда.

Интернет хабарлари асосида
Шорофиддин ТҲЛАНОВ («Халқ сўзи»)
тайёрлади.

Туризмни 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси доирасида туристик хизматлар экспортини 6 млрд. доллардан ошириш, сайёҳларнинг мамлакатимизда ўртача қолиш муддатини 7-8 кунга етказиш мақсад қилинган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 642. 22 376 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибчи 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал хамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Маамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6